ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БУТАЕВ ШАВКАТ ТУРДАЛИЕВИЧ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЛИНГВИСТИК ЛУҒАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

УДК: 377.016:811.111’374

Педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Бутаев Шавкат Турдалиевич
Академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда лингвистик луғатлардан фойдаланиш методикаси 3

Бутаев Шавкат Турдалиевич
Методика использования лингвистических словарей при развитии лексической компетенции учащихся академических лицеев 21

Butaev Shavkat Turdaliyevich
The methodology of the use of linguistic dictionaries on development of lexical competence of the pupils of academic lyceums ……..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….……..……..……..…….. 43

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БУТАЕВ ШАВКАТ ТУРДАЛИЕВИЧ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЛИНГВИСТИК ЛУҒАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида B2017.2.PhD/Ped171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (uswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бакиева Гуландом Хисамовна** филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Ниёзметова Роза Хасановна** педагогика фанлари доктори, профессор
	Алимов Фарход Шарабиддинович педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____»_____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____ куни тарқатилди.

(2018 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.У.Хошимова
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Ж.Исакулова
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.д., доцент

Л.Т.Ахмедова
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўзбек, турк, форс, тожик, қозоқ, қирғиз, рус, хитой ва инглиз тилларида АҚШнинг Индиана штатидаги Индиана университетидаги «Турк ва Эрон лексикографияси ва диалектологияси маркази», АҚШнинг Калифорния штатидаги «Google» ва Россиянинг «Мультитран» компанияларида таржима лингвистик луғатларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. EURALEX Европа, ASIALEX, Австралия, Африка лексикографлар ассоциациялари, Кембриж ва Оксфорд университетларида, Германия, Франция, Польша, Ҳиндистон мамлакатларининг олийгоҳларида ҳамда марказларида полиграфик ва электрон луғатлар яратиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида ўқувчиларнинг лингвистик компетенциянинг таркибий қисмлари ҳисобланган социолингвистик, прагматик, лексик, грамматик, семантик, фонологик, орфографик, орфоэпик компетенцияларини ривожлантириш, лексемалар семантик структурасини тил ва маданият муштараклиги тамойили асосида тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан лингвистик компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда нутқ малакалари, тил кўникмаларини ривожлантириш, лексемаларнинг миллий-маданий хосланган семемаси, уларнинг генетик хусусиятларида турли сўз туркумлари, сўзларнинг бош ва ҳосила семемаларида ўзига хослиги билан ажратиш заруриятини изоҳлайди.

Ўзбек тилининг тарихи, субстанциал табиати, имкониятлари асосида этимологик, антропонимик, диалектал, топонимик, морфемик, синонимик, антонимик, омонимик каби луғат турлари ҳамда инглиз, немис, испан, француз, рус ва бошқа тилларда идеографик луғатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив каби турлари нашр этилгани ҳолда ҳозирги ўзбек тилида идеографик луғатнинг яратиш ишлари амалга оширилмоқда. «Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш»[1] каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда инглиз тилидаги сўзларнинг таржималарини топишда ёрдам берадиган полиграфик лингвистик луғатларни яратиш, инглиз тилидаги A1 дан B1 даражагача сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар, сўзларнинг синонимлари, антонимлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатиш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1875-сон қарорилари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет тилини ўқитиш қуйидаги тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган: Л.В.Щербы, С.Ф.Шатилова, В.С.Цетлина, Н.Д.Гальскова, Е.М.Верещагина, Е.Н.Соловова, И.А.Бим ва б.[2].

Луғатлар билан ишлашни ўргатиш масаласи қуйидаги тадқиқотчиларнинг ишларида ёритиб берилган: Т.И.Чижова, А.А.Семенюк, З.А.Потиха, Д.Э.Розенталь, Ф.И.Вирченко, В.Вознюк, И.В.Галлингер, А.И.Геберле, П.А.Грушников, Л.Н.Калинина, Г.Н.Лебедева, Н.П.Пикалова, Т.В.Хачатурова, Г.Г.Еркибаева[3].

Мамлакатимизда Ж.Ж.Жалолов, Г.Х.Боқиева, Т.К.Сатторов, Л.Т.Ахмедова, Ў.Ҳ.Ҳошимов, Г.Т.Махкамова, И.Я.Ёқубов, С.Мусинов, Л.Киркхам, М.Т.Ирискулов, Ф.Рашидова ва С.С.Сайдалиевларнинг тадқиқотларида хорижий тилларни ўқитиш методикасига оид муаммолар атрофлича ёритилган[4].

Академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда лексик бирликларнинг лингвистик, дидактик ва психологик асосларини ўрганиш, хорижий тил таълимида полиграфик ва электрон луғат ва

---

[2] Цетлин В.С. Эксперимент в методических исследованиях // Методическая мозаика. – М., 2005. – № 4. – С. 8-15.; Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностраннўм языкам: Пособие для учителей. 2-е изд. – М.: АРКТИ, 2003. – 245 с.; Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам. Базовый курс лекций. – М.: Просвещение, 2005. – 239 с.; Бим И.А. Методика обучения иностранному языку в школе. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 2003. – 159 с.; Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Sh. Ashurov. English language Teaching methodology. T.: Fan va texnologiya. 2015.-336 p.; Ҳошимов Ў.Ҳ., Ёқубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси. - Т.: Шарқ, 2003. – 304 б.; Саттаров Т. К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности.: Автореф. дис…. докт. пед. наук. – Т.: УзГУМЯ. 2000. – 52.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. Т. Фан ва технология, 2013. – 200 с.; Сайдалиев С.С. Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар. – Наманган. Нам.ДУ. 2000. – 210 б.

[3] Пикалова Н.П.Формирование у младших школьников умения пользоваться лингвистическими словарями разных типов. Автореф. дис. ...канд. .пед. наук.- Санкт-Петербург: 2000 г.; Т.В. Хачатурова Обогащени лексического запаса младших школьников на основқ использования лингвистических словарей. Автореф. дис. ...канд. .пед. наук.- Майкоп. 2007; Г.Г.Еркибаева. Методика работы с учебными словарями на уроках русского языка и литературы в старших классах Казахской школы. Автореф. дис. ...канд. .пед. наук.-Алматы-1995.

[4] Абдуллаева А.Б., Мирсодикова Д.Р., Абдуллаева С.Ё., Носиров Д.П. Deutsch 2. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги МНУ, 2008. – 22 б., Абдушукурова Л.А., Абулхамова Р.Р., Айтуганова З.А., Ибрагимов Х. Francais 3е. – Тошкент, 2007.; Бакиева Г., Махкамова Г., Кулдошев А. English 3. – Ташкент, 2007.; Дадаходжаева М.С., Новикова С.Д., Зияева С.А. Deutsch I. – Ташкент: Ғ.Ғулом номидаги МНУ, 2007. – 208 б.; Jalolov J., Makhkamova G., Ashurov Sh. English language teaching metodology (theory and practice). – T.: Фан ва технология, 2015. – 336 б.; Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўкитувчи, 2012. – 432 б.

уларнинг турлари, лингвистик луғатлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Республика чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикалар илмий-амалий маркази режасининг ИОТ-2015-1-22 «Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув услубий материаллар яратиш ва нашр этиш» мавзуси инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда лингвистик луғатлардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвистик луғатларга оид адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

академик лицей ўқувчиларининг лингвистик луғатлардан фойдалана олиш эҳтиёжларини аниқлаш ва ўрганиш;

лицей ўқувчиларининг лингвистик луғатлардан фойдаланиш асосидаги сўз бойликларини аниқлаш;

чет тилдаги лингвистик луғатларнинг хилма-хиллик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лицейларда улар билан ишлашнинг методикасини яратиш;

ўқув луғатлари билан ишлаш методикасини тажриба-синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти академик лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишда лингвистик луғатлардан фойдаланиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети академик лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишда лингвистик луғатлар мазмуни, фойдаланиш шакл, восита ва усуллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожланти-ришда предлог, артикль, фразеологик бирикма, аффиксларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар луғатлардан фойдаланиш амалиётида аниқлаштирилган;

филология йўналишидаги академик лицей босқичлари учун иш, таълим, дам олиш, саёҳатга оид сўзларнинг луғат-минимуми B1 даражага биноан ишлаб чиқилган;

A1 даражадан C1 даражасигача бўлган сўз ва сўз бирикмаларининг инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча онлайн электрон луғати Google, Multitran дастурларида лексикография талаблари бўйича яратилган;

академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда изоҳли, синоним, антоним, фразеологик, таржима, омоним лингвистик луғатларидан фойдаланиш методикаси коммуникатив ёндашувга асосан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

академик лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишда лингвистик луғатлардан фойдаланишнинг услуб ва усуллари ишлаб чиқилган;

лингвистик лиғатлардан фойдаланиш бўйича машқлар тизими ишлаб чиқилган;

лингвистик луғатлардан фойдаланишнинг ташкилий-методик таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, академик лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишда лингвистик луғатлардан фойдаланишнинг лингвистик, психологик ва дидактик омиллар асосида ёритилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвистик луғатлар, академик лицей ўқувчиларининг мустақил ишларида лингвистик луғатлар билан ишлаш ҳамда фойдалана олиш эҳтиёжларини аниқлаш, лицей ўқувчиларининг лингвистик луғатлардан фойдаланиш асосидаги сўз бойликларини аниқлаш билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган академик лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишда лингвистик луғатлардан фойдаланишнинг ишлаб чиқилган услуб ва усуллари ҳамда ташкилий-методик таъминоти ҳамда тадқиқот материалларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларида ва шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Академик лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини оширишда лингвистик луғатлардан фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалар асосида:

академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда луғатлардан фойдаланиш амалиётида аниқлаштирилган предлог, артикль, фразеологик бирикма, аффиксларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлардан English-Uzbek/Uzbek-English dictionary / 80000 words and expressions. Inglizcha-O‘zbekcha/O‘zbekcha-Inglizcha lug‘at / 80000 so‘z va ibora луғатда фойдаланилган (English-Uzbek/Uzbek-English dictionary / 80000 words and expressions. Inglizcha-O‘zbekcha/O‘zbekcha-Inglizcha lug‘at / 80000 so‘z va ibora. – Toshkent: O‘qituvchi, 2013. – 880 б.). Натижада полиграфик лингвистик луғатлар типологиясидан фойдаланишига хизмат қилган;

филология йўналишидаги академик лицей босқичлари учун B1 даражага биноан ишлаб чиқилган иш, таълим, дам олиш, саёҳатга оид сўзларнинг луғат-минимумидан «Dunyo bo‘ylab» телеканалида шу йилнинг 10-февраль куни эфирга узатилган «Турфа олам» дастурида ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O’zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик» радиоэшиттиришининг 2018 йил 21 апрель кунидаги сонида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Дунё бўйлаб» телеканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 15 майдаги 08-14-249-сон ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O’zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 14 майдаги 04-25-738-сон маълумотномаси маълумотномалари). Натижада ўқувчиларнинг инглиз тилидаги мустақил ишларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Google, Multitran дастурларида лексикография талаблари бўйича яратилган A1 даражадан C1 даражасигача бўлган сўз ва сўз бирикмаларининг инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча онлайн электрон луғатидан GOOGLE TRANSLATE – 10 more languages with your help дастурида фойдаланилган (Google inside search // The official Google search blog. December 11, 2014);

академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлан-тиришда коммуникатив ёндашувга асосан такомиллаштирилган изоҳли, синоним, антоним, фразеологик, таржима, омоним лингвистик луғатларидан фойдаланиш методикасидан ЎМКҲТ академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари учун «Ingliz tili» (2 - qism) ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 9 февралдаги 0595-сон гувоҳномаси). Натижада ЎМКҲТ академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчиларининг лексик компетенцияни ривожлантириш методикаси такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 12 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шу билан бирга диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Академик лицей ўқувчиларини инглиз тилига оид лексик компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида сўз, унинг маъноси, моносемия, полисемия, синонимия, антонимия, сўз маъноларининг бирламчи ҳамда кўчма маънолари каби масалаларни ўрганилиб, уларни таҳлил қилиб чиқилган.

Тилда сўз билан аниқ предметлар ва мавҳум тушунчалар инсоннинг ҳис-туйғуси, ички кечинмалари ва истак-хоҳиши, нияти, орзу-умидлари, баён этиладиган фикрларга муносабатини билдиради. Сўз тилнинг асосий бирлиги сифатида хизмат қилади ва бошқа семантик тизимлар ичида унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди. Сўз битта тарихий даврда яшаб, ўша тилда гаплашадиган жамиятнинг барча аъзолари томонидан бир хил тушунилади. Шунинг учун сўзларни улар ифода этадиган предмет ва воқеалар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлашда уларнинг тарихий маълумотларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Предмет, ҳодиса, воқеа, белги, ҳаракат ва б.ни билдириб туриб улар ҳақидаги тушунчаларни ифодаласа, сўз ўзининг асосий вазифасини бажарган бўлади. Чет тилида баъзи сўзлар ҳам қандайдир тушунчани ифодалаб бера олмайди. Масалан, ундов сўзлар, модал сўзлар, боғловчилар, предлоглар, юкламалар.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг сўз бойликларини ўстириш масалалари ҳам илмий адабиётлар асосида ўрганилган. Ўқувчилар сўз бойлигини аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

сўз маъноларини тўлиқ аниқлай олмайдиган сўзларнинг маъноларини аниқлаш;

уларни матн маъносидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш;

маъноси яқин бўлган маънодош сўзлар ва антонимлар билан маъноларини қиёслаб паронимлар ва бошқалар билан аниқлаш;

сўзларни бошқа сўзлар, шу жумладан, фразеологик бирликлар билан боғланишини ўзлаштириш;

сўзларнинг киноялі мазмунини, кўп маънолилигини, шу жумладан, матнга мос келадиган мазмунини ўзлаштириш;

синонимик лексикаларни ва алоҳида синонимик гуруҳлар учун хос бўлган сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари;

сўзларнинг функционал ҳамда стилистик бўёкларни ифодаловчи мазмунларини ўзлаштириш.

Тадқиқотда лицейларда ўқувчиларнинг сўз бойликларини оширишда тизимлилик, изчиллик ва кетма-кетлик, онглилик ва фаоллик, тушунарлилик, кўргазмалилик, назарияни амалиёт билан боғлаш ҳамда билим ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухталиги каби дидактик тамойиллари ёрдамида лексик бирликлар тушунарли баён этиш талаб этилган. Тадқиқотда ўқувчиларга синоним, антоним ва кўп маъноли сўзларни ўргатиш масалалари бўйича машқлар тизими ишлаб чиқилган (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Сўзларни ўргатиш масалалари бўйича машқлар тизими

Сўзлар	Машқлар
Кўп маъноли сўзлар	контекстдаги сўзларнинг кўп маънолилигини ҳисобга олиб тузилган машқлар; кўп маъноли сўзларнинг турли маъноларини бошқа сўзлар билан боғланишига доир машқлар; кўп маъноли сўзларнинг турли маъноларига синоним ва антонимларни танлаш машқлари; сўзларнинг турли маънолари билан ибора ва гап тузиш машқлари
Синонимлар	синонимларнинг маънолари билан ибора ва гап тузиш машқлари
Антонимлар	сўзларнинг қарама-қарши бўлган маъноларини топиш машқлари; сўзларнинг қарама-қарши бўлган маънолари билан ибора ва гап тузиш машқлари
Омонимлар	маънолари бошқача бўлган омонимларни омоформа, омофон ва омографлардан фарқлай олиш машқлари; омоним ва кўп маъноли сўзларни фарқлаш машқлари

Бир сўз билан айтганда, ўқувчининг сўз бойлигини аниқлаш сўз ва стилистик иш сифатида луғатнинг ўзгарувчанлиги сифатида, унинг аниқлиги ва ифодалилиги сифатида аниқлаш мумкин. Лексикология лексикография билан чамбарчас боғлиқ. Лексикография замонавий лингвистиканинг энг муҳим фанларидан ҳисобланиб, луғат тузишнинг назарияси ва амалиётини ўргатадиган фан ҳисобланади. Академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда предлог, артикль, фразеологик бирикма, аффиксларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар луғатлардан фойдаланиш амалиётида аниқлаштириш имконини берди.

Луғат – бу шундай китобки, унда сўзлар (лексема, ибора, идиома ва б.) маълум принцип бўйича тизимли равишда алифбе тартибида жойлаштирилган бўлади. Китобда сўзларнинг маънолари, ишлатилиши, келиб чиқиши ва бошқа тилдаги таржимаси берилади. Бошқа сўз билан айтганда, бу тушунчалар, предметлар ҳамда илм ва маданият соҳасидаги маълумотларни берувчи қўлланмадир. Луғат тузишда энг муҳим бўлган нарса бу материални тартиб билан жойлаштириш муаммосидир. Луғат тузишда сўзнинг умумлингвистик ҳолатини, унинг маънолари ва уларнинг қўлланишларини грамматик ва фонетик характеристикаларини билишдан ташқари луғат тузиш техникасини билиши ва луғат таркибини тушуниш лозим.

Диссертациянинг **«Академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда лингвистик луғатлардан фойдаланиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида хорижий тил таълимида полиграфик ва электрон луғатлар, уларнинг турлари ҳамда фойдаланиш хусусиятлари баён қилинган.

Тадқиқотда чет тили таълимида луғат ва унинг турлари ҳақида қисқача маълумот берилиб, шунингдек, ўқув луғатларининг асосий вазифаси дарсда ўқувчиларга сўз маъноларини очишга ёрдам бериш ва уларда луғат билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборатлиги таъкидланган. Ўқув луғатининг яратиш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланувчиларга кенг маълумотлар бера олиши, уларга инглиз тилини ўзлаштиришни осонлаштириш ва уни ўрганишга қизиқиш уйғотиши лозим.

Ўқув луғати тузишда лексик бирликларни танлаш лозим. Мазкур луғатнинг инглизча-ўзбекча қисмига академик лицейлар учун тузилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалардаги сўзлар танлаб олиниши керак. Ўқув луғатининг яна асосий вазифаларидан бири луғатда лексиканинг тизимлилигини акс эттиришдир. Лексикада тизимлилик деганда маълум муносабатлар билан ўзаро боғланган тил бирликлари мажмуи тушунилиб, тил бирликларининг парадигматик ва синтагматик алоқаларида намоён бўлади. Филология йўналишидаги академик лицей босқичлари учун иш, таълим, дам олиш, саёҳатга оид сўзларнинг луғат-минимуми В1 даражага биноан ишлаб чиқиш имконини беради.

Дастлаб, луғатлар икки гуруҳга бўлинади: энциклопедик ва лингвистик луғатлар. Энциклопедия сўзи қадимги грек тилидан пайдо бўлиб «билим доираси», «билимнинг барча доирасини ўргатиш» деган маънони ифода этади. Энциклопедик луғатларнинг хусусиятлари шундан иборатки, улар сўзларни эмас, балки у ёки бу сўз орқали ифода этиладиган тушунчалар ҳақида маълумот беради. Энциклопедик луғатларда турли мамлакатлар, шаҳарлар, тарихий шахслар, тарихий воқеалар ҳақида атрофлича маълумот берилади. Уларда рангли расмлар, хариталар, мамлакатларнинг герб ва байроқлари тасвири, портретлар бўлади (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Яратилган тарихий энциклопедик луғатлар

Энциклопедик луғат мазмуни	Яратилган энциклопедик луғатлар
Энциклопедик луғатлар сўзларнинг ўзларини эмас, балки улар орқали билдирадиган предмет ва тушунчаларни изоҳлайдилар	Инглиз тилидаги биринчи энциклопедия Ж.Ҳерис томонидан 1704 йилда яратилган
	Британия энциклопедияси
	Америка энциклопедияси
	1917 йилда Чикагода нашр этилган 26 жилдли «Дунё китоби энциклопедияси»

Лингвистик луғатларнинг мақсади сўзларнинг лексик маъноларини, уларнинг грамматик, стилистик, этимологик, орфоэпик ва бошқа характеристикаларини тушунтиришдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда чет тилининг турли лингвистик луғатлари мавжуд: изоҳли, морфемик, орфоэпик, орфографик, этимологик, синонимлар, антонимлар, омонимлар, хорижий сўзлар луғати ва б. Бу луғатлар асосида ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ва ўқитиш методикасини ҳисобга олган ҳолда турли тил материалларини берадиган махсус лингвистик луғатлари яратилган. Академик лицейларда икки тилли таржима луғатлари, синоним, антоним, омоним,

тематик луғатлар, фразеологик ва бир тилли изоҳли луғатлардан фойдаланиш талаб этилади (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Лингвистик луғатлар таснифи

Лингвистик луғатлар	Лингвистик луғатларнинг мазмуни	Лингвистик луғатларга намуналар
Таржима луғат	бир тилга оид луғавий бирликларни бошқа тилга таржима қилиб беради	Немисча-ўзбекча луғат, 1964; Ўзбекча-немисча луғат, 1967
Синонимлар луғати	синоним луғавий бирликлардан иборат бўлган сўзлар берилади	А.Ҳожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати, 1974
Антонимлар луғати	антоним луғавий бирликлардан иборат бўлган сўзлар берилади	Ш.Раҳматуллаев ва б. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати, 1980
Омонимлар луғати	омонимик луғавий бирликларни ўзида акс эттирган сўзлар берилади	Ш.Раҳматуллаев, Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати, 1984
Тематик (мавзули) луғатлар	сўзликни таркиб топтирувчи сўзлар рўйхати маълум мавзуларга бўлиб берилади	А.Тихонов ва б. Русско-узбекский тематический словарь, 1975
Фразеологик луғат	сўзларнинг фразеологик бирликларини кўрсатади	М.Содиқова. Русча-ўзбекча фразеологик луғат, 1972
Изоҳли луғат	сўзларнинг маънолари, қўлланиш соҳаси ва даражаси, фонетик ва грамматик хусусиятларини кўрсатиб беради	С.И.Ожегов. Толковый словарь русского языка, 20-е изд.,М.,1988;

Электрон луғатлардан фойдаланишнинг усуллари қуйидаги электрон манзиллар асосида луғат топилади ва таржимада лозим бўлган взифалар бажарилади (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

Электрон луғатлар таснифи

Электрон луғатлар	Электрон луғатларнинг манзиллари
Abbyy lingvo	https://www.abbyy.com/ru-ru/lingvo/
Multitran	https://www.multitran.ru/c/M.exe?a=3&s=Совет%20федерации&l1=2&
Полиглоссум	www.ets.ru/pg/r/dict/er_pw_el.htm
Контекст	context.reverso.net/перевод/русский-английский/контекст
Translateit	www.translateit.ru/about_translateit.htm
Pons	https://ru.pons.com/перевод
Langenscheidt	https://de.langenscheidt.com/
Duden online	https://www.duden.de/woerterbuch
Canoonet	www.canoo.net/index_en.htm
Quicktionary	https://smartron.ru/katalog/products/.../skaner-perevodchik-wizcom-quicktionary-ts
Collins english dictionary	https://www.collinsdictionary.com/
Online.multilex.ru	www.interface.ru/home.asp?artId=17255
Googletranslation	https://translate.google.com/?hl=ru

Чет эл лексикографиясида электрон лексикографияси, электрон ускуналардаги луғатлар, шунингдек, турли автоматлаштирилган маълумотларни яратиш назарияси ва амалиёти муаммоларига бағишланган R.Blain, B.Bougaraev, P.Bouillon, E.J.Briscoe, R.J.Byrd, N.Calzolari, M.Chodorow, K.W.Church, A.Clas, L.Clause, J.Clear, J.Dancette, Ch.Dupriez, D.Dutoit, J-L.Ferre, W.N.Francis, F.Gruhier, R.K.K.Hartmann, G.Hatherall, P.Hanks, T.Heth, M.Kay, P.Longuet, W.Meijs, J-F.Mostert, E.Picchi, J.A.H.Potet, J.Pruvost, B.Quemada, Th.Selva, D.Walker, H.E.Wiegand, R.Wooldridge, A.Zampolli, L.Zgusta ва бошқаларнинг ишларини киритиш мумкин. Шунингдек, A1 даражадан C1 даражасигача бўлган сўз ва сўз бирикмаларининг инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча онлайн электрон луғати Google, Multitran дастурларида лексикография талаблари бўйича яратилган. Online-таржимонлар ва google луғатлари сўз ёки иборанинг таржимасида хато топилса ўзларининг вариантларини киритиб сақлаш имкониятини беради.

Диссертациянинг **«Хорижий тил таълимида лингвистик луғатларидан фойдаланишнинг экспериментал тадқиқи»** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил қилиш, луғат билан ишлашни такомиллаштиришга мўлжалланган машқлар тизими ҳамда эксперимент натижаларининг таҳлили баён қилинган.

Инглиз тилида ўқувчи эркин мулоқот қила олиши учун етарли сўз бойлигига эга бўлиш кераклигини таъкидлаб, бу жараёнда турли лингвистик луғатларнинг ўрни муҳимлигини кўрсатади. Академик лицейда луғат билан ишлашнинг 4 та асосий масалаларини ҳисобга олади:

ўқувчиларнинг сўз бойликларини ривожлантириш, яъни ўқувчилар учун янги сўзларни ўзлаштириш ҳамда улар олдин биладиган сўзларнинг янги маъноларини билиб олиш;

ўқувчиларнинг сўз бойликларини аниқлаш луғат билан ишлашдаги кенг кўламли иш ҳисобланиб, у ўз ичига ўқувчилар маъноларини тўла аниқлай олмаган сўзларнинг маъноларини контекстдан аниқлаш ёки маъноси яқин бўлган маънодош сўзлар ва антонимлар ёрдамида қиёслаб аниқлаш;

ўқувчининг сўз бойлигини оширишни жадаллаштириш мақсадида имкон борича кўпроқ сўзларни пассив луғатдан активга ўтказиш учун сўзлар ва ибораларни суҳбат, ҳикоя, иншоларда ва мулоқотда кўпроқ ишлатишга диққатни қаратиш;

адабий бўлмаган сўзларни ишлатмаслик ва адабий нормада бўлган сўзларни ўқувчиларда шакллантириш.

Шундай қилиб, сўз бойлигини оширишнинг асосий манбалари: чет тилидаги бадиий асарлар, лицей дарсликларидаги диалогик ва монологик матнлар, ўқув жараёнида ишлатиладиган кинофильм ва телекўрсатувлар, электрон қўлланмалар, чет тили ўқитувчилари ва синфдошларининг дарс жараёнидаги нутқлари ҳисобланади.

Луғатлар билан ишлаш жараёнида кўп маъноли сўзлар, синонимлар ва антонимлар билан ишлашга мўлжалланган машқлар тизимини ишлаб чиққан ва бу машқлар ўқувчиларда луғат билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Машқларни бажариш жараёнида нафақат ўқувчиларнинг билимлари мустаҳкамланади, балки уларнинг мустақил ишлаш кўникмалари шаклланади, фикрлаш қобилияти ўсади.

Академик лицей ўқувчиларининг лексик компетенциясини ривожлантиришда изоҳли, синоним, антоним, фразеологик, таржима, омоним лингвистик луғатлардан фойдаланиш методикаси коммуникатив ёндашувга асосан такомиллаштириш имконини берди. Ишлаб чиқилган лингвистик луғатлардан фойдаланиш методикасининг самарадорлигини тажриба-синовда синаб кўрилган. Бу тажриба-синовнинг мақсади лингвистик луғатлар билан ишлаш асосида ўқувчиларнинг сўз бойликларини ошириш учун ишлаб чиқилган машқлар самарадорлигини синаб кўришдан иборат. Тажриба-синов олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

ишлаб чиқилган методика асосида яратилган машқлар тизимининг самарадорлигини синовдан ўтказиш;

лингвистик луғатлар билан ишлашда қайси машқлар турлари ўқувчиларнинг сўз бойликларини ошириш учун кўпроқ самара беришини аниқлаш.

Тажриба-синовда 200 та ўқувчи қатнашган ва бу тажриба-синов ЎзДЖТУ қошидаги Учтепа академик лицейи, ЖДПИ қошидаги 2-сонли академик лицейда ва НДПИ қошидаги академик лицейларда ўтказилган. Педагогик тажриба-синов ишларида ишлаб чиқилган 12 та топшириқ асосида академик лицей ўқувчиларида синовдан ўтказилган. Тажриба-синов натижалари статистик маълумотларига кўра тажриба-синов гуруҳлари ўқувчилари назорат гуруҳлари ўқувчиларига кўра яхши натижа кўрсатганлар. Лицейда луғатлардан фойдаланиш методикасининг 4 та асосий йўли кўрсатиб ўтилган:

1) ўқувчиларнинг сўз бойликларини ошириш, яъни ўқувчилар олдин учратмаган янги сўзларни ўзлаштириш, шунингдек, улар олдин биладиган сўзларнинг янги маъноларини ўзлаштириш. Чет тилининг сўз бойликларини яхши ўзлаштириш учун ўқувчилар кунига тахминан 8 – 10 та янги сўз ўзлаштиришлари лозим (шунингдек, она тили дарсларида тахминан 4 – 6 сўз).

2) ўқувчиларнинг сўз бойликларини аниқлаш луғат билан ишлашдаги энг кенг кўлам ҳисобланиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

3) ўқувчининг сўз бойлигини оширишни жадаллаштириш, яъни имкони борича кўп миқдордаги сўзларни пассив луғатдан активга ўтказиш (пассив сўзлар, бу инсон тушунадиган, аммо ўз нутқида ишлатилмайдиган сўзлар). Ўқувчилар сўзларни гап ва ибораларда ишлатиладилар: ўқиган нарсаларини ҳикоя қилиб берадилар, суҳбатлашадилар, иншо ва баён ёзадилар.

4) адабий бўлмаган сўзларни четлаштириш, уларни актив сўзлардан пассив сўзларга ўтказиш. Бу ерда болалар нутқий муҳит таъсирида ўзлаштирадиган шевадаги сўзлашув тилидаги ва жаргон сўзлар назарда тутилади. Адабий норма тушунчасини шакллантириш шунга олиб келадики, ўқувчилар қаерда шевада ва қаерда адабий тилда гаплашиш лозимлигини фарқлай оладиган бўладилар. Адабий тил ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида шева, сўзлашув ва жаргон сўзлар ўқувчиларнинг актив луғатларидан бутунлай олиб ташланади.

Ўқувчиларнинг луғат билан ишлашида кўрсатилган барча йўналишлар доимо биргаликда ҳаракат қиладилар. Барча ўқув ишларидек, сўз маъноларини тушунтириб беришда умумий дидактик топшириқларга таяниш зарур бўлади. Улар ўқувчиларнинг ўзлари мустақил иш тутиши ва билиш фаолликларини оширади. Ўқувчилар нафақат матндаги янги сўзнинг маъносини сал-пал тушунишлари, балки унинг маъносини тушунтириб берадиган бўлишлари учун

уларнинг ақлий ривожланиши ва мустақил ишлашларини ривожлантиришни таъминлаш лозим.

Методикада сўз маъноларини тушунтириб беришнинг қуйидаги усуллари тасдиқланган:

1. Ўқитувчи бошчилигида ўқувчилар сўзларни ясалишини таҳлил қиладилар ва шу тарзда уларнинг маъноларини тушунтириб берадилар. Лицей ўқувчиларига сўз ясалишининг энг осон йўл билан қуйидагича ёндашиш мумкин: «Янги сўз қайси сўздан пайдо бўлган?» ёки «Нима учун шундай номланган?» Қизил қўзикорин, малла қўзиқорин ранги қизил ёки маллалиги учун шундай номланган.

2. Сўз тузиш таҳлили кўпинча сўзни бошқа сўзлар билан қиёслаш билан бараварига олиб борилади. Бундан мақсад, уларнинг фарқини ва паронимларнинг чегараларини белгилашдир. Масалан, ертут, ерлик, (ерда яшовчи), ертўла (учала сўз ҳам ер сўзидан ясалган), кумушдек, кумушранг, кумушсимон, кумушли ва бошқалар.

3. Матнга таяниш сўзни тушунишни осонлаштиради. Сўзнинг маъно-сини аниқлашда матннинг роли катта эканлигига шубҳа йўқ, аммо шундай ҳолатлар бўладики, фақат матндаги ўша сўз билан келган бир парчани ўқиб, у сўз маъносини аниқлаш мумкин бўлади.

4. Олдинги усулни қўллаб бошқа матнга янги сўзни киритиб, ўқувчилар ўзлари матн тузиб сўзларнинг маъноларини топишга ҳаракат қиладилар. Жадаллаштиришнинг бу усули сўз маъносини очишни осонлаштиради. (Ўқувчи қийналиб қолган ҳолатларда матн тузишга ўқитувчи ёрдамлашади).

